7-8 (389-390)
2004 йил 25 февраль
Чоршанба

Mahalla

Сотувда эркин нархда

2
Маҳалланинг "каттаси"
Стадион бору, анжом йўқ!

3
Гугурт "франциялик" экан
Наманганда газ таъминоти қандай?

4
Тўйдаги "томоша"...
Пултопар компьютер

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 феврал куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Доналд Рамсфелдни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу ташриф Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари тобора ривожланиб бораётганидан яна бир далолат ва икки томон учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

СУРАТДА: қабул пайти

Мамлакатларимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бозор муносабатлари ва демократия намойилларини қарор топтириш ва мустаҳкамлашда ҳам АҚШ Ўзбекистонни қўллаб-қувватламоқда. Булар баробарида икки мамлакат халқаро террорчиликка, наркотик моддалар ва қурол яроғ контрабандасига, экстремизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келаётир. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий ва ҳарбий техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатларимиз оммавий қирғин қуролларини, уларнинг таркибий қисмларини, технологияларини ва шундай қурол ясаладиган материалларни тарқатмаслик соҳасида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу борада мунтазам равишда ахборот ва маълумотлар алмашиб турилади.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорлик Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида ушбу мамлакатга расмий ташрифи давомида расмийлаштирилган эди. АҚШдан келтирилаётган ҳарбий ускуналар, алоқа, кузатув, аниқлаш ва ҳимоялаш қурилмалари, тиббиёт анжомлари, соҳада ишлатиладиган бошқа замонавий техника ва транспорт воситалари ҳарбий соҳада ҳам алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини кўрсатади. Чунончи, яқиндамамлакатимиз чегарачиларига умумий қиймати 1,1 миллион АҚШ долларидан зиёд транспорт воситалари ва ускуналар тақдим этилди. Бу борадаги ишларни давом эттириш режаси анча салмоқли ва узоқ муддатга мўлжалланган.

Мамлакатларимиз ҳарбийлари қўшма семинарлар, машқлар ўтказмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар АҚШда малака оширмоқда. Бу кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик яхши ривожланаётганидан далолатдир.

АҚШ мудофаа вазирининг бу галги ташрифидан мақсад - ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоқалари доирасидаги ишлар билан яқиндан танишиш, келгусида биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган бошқа тадбирлар борасида фикрлашиб, янги имкониятларни ўрганишдан иборатдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида икки томонлама алоқалар, минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашга оид масалалар, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Пентагон раҳбари Д.Рамсфелд самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораверишини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА)

Сурхондарё вилояти

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

БОЙСУНДА ЎКСИМАЙДИ БОЛАЛАР

Бойсуннинг Катари гузарида сўлим бир маскан бор. Бу даргоҳда, вилоят 12-мехрибонлик уйи жойлашган бўлиб, 75 йилдан бери қанчадан-қанча норасидалар бу гўша бағрида униб-ўсмоқда.

- Биласизми, - дейди Мехрибонлик уйи директори Бўри Чориев, - собиқ тарбияланувчиларимиз меҳнатга меҳр қўйган, билимга чанқоқ, ҳаёт зарбаларига бардош бера оладиган матонатли кишилар бўлиб етишган. Биз учун фахрли томони ана шунда!

Айни пайтда бу ерда бир юз тўқсон нафар ўғил-қизлар вояга етмоқда. Даргоҳнинг йигирма тўрт нафар тарбиячи-мураббийлари норасида болалар атрофида парвона: уларни ўз фарзандларидан кам кўришмайди, оқ ювиб, оқ тарашади, кўнглини овлашади.

- Бизни изтиробга қўядиган томони шундаки, - дейди мураббия Комила опа Неъматова, - болаларни ҳар қанча эъзозламайлик, авайлаб асрамайлик барибир ўз ота-оналарининг ўрнини босолмаймиз. Буни айрим болаларнинг лабида табассум ўйнаб турса ҳам, кўзлари тубида яширинган ғамгинликдан, маюс нигоҳидан сезаман. Шунда ўз дилбандидан юз ўгирган ота-оналарга нисбатан қалбимда нафрат уйғонади.

Биз Меҳрибонлик уйида эканмизда Шўрчи донни қайта ишлаш корхонаси раҳбари Омон Чўтов келиб қолди.

Президентимиз 2004 йилни - Меҳр-мурувват йили деб эълон қилдилар. Корхонамиз жамоаси бу даъватга биринчилар қаторида қўшилди. Янги йил арафасида Мехрибонлик уйи болаларини йўқладик. Уларга баҳоли қудрат беш юз минг сўмлик совға-салом, ўн қоп ун келтирдик.

Ҳа, Сурхондарёда бундай саховатпеша инсонлар жуда кўп. Улар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳолидан тез-тез хабар олиб туришади. Ҳатто хорижлик биродарлар ҳам мурувват қўлини чўзиб туришади. Жумладан, Германиядаги "Бундисгер" компанияси болаларга кийим-кечак ҳадя этди, ётоқхона биносини таъмирлаш учун қурилиш материаллари етказиб берди. Термиз аэропорти жамоаси ҳам бундай хайрли ишга муносиб ҳисса қўшди. Фан ходимлари вилоят касаба уюшмаси раҳбарлари ҳам саховатпешаликда барчага ибрат. Шунингдек, саховатли инсонлар ҳиммати билан 60 нафар тарбияланувчилар банкда узоқ муддатли жамғармаларга эга бўлдилар.

Меҳрибонлик уйи жамоаси "Бойсун" ширкат хўжалиги раҳбарларидан ҳам миннатдор. Негаки, болаларнинг Авлод қишлоғида жойлашган ёзги дам олиш лагери таъмир талаб бўлиб қолган эди. Ширкат хўжалиги раиси Бекқул Тошбоев бу ишга ҳомийлик қилди. Кам эмас, икки миллион сўм маблағ сарфлаб, лагерни бошдан-оёқ таъмирлаб берди.

Меҳрибонлик уйини кўздан кечирдик. Ётоқхоналарда, спорт майдончаларида, ёш санъаткорлар машғулот ўтказаётган клубда бўлдик. Болалар ўйнаб-қувнаб ўсиши, улғайиши учун ҳамма шароит муҳайё.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

Кўрик-танлов!

"МЕҲР ВА МУРУВВАТ - АҲИЛЛИК ТИМСОЛИ"

"Экосан", "Маҳалла" "Нуроний" жамғармалари вилоят бўлимлари, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси вилоят вакиллиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси, "Фарғона ҳақиқати" газетаси ҳамда "Телерадиокомпанияси" вилоят бошқаруви ҳамкорликда юқоридаги номда кўрик-танлов эълон қилдилар.

Кўрик-танлов икки йўналиш бўйича, икки босқичда ўтказилади.

Биринчи йўналиш - меҳр ва мурувват ишларини кучайтириш йўли билан қўни-қўшнилар, аҳоли ўртасида тотувликни, дўстона аҳилликни намунали йўлга қўйган маҳаллалар ўртасида.

Иккинчи йўналиш - оммавий ахборот воситаларида халқимизнинг эзгу қадриятларини, оила, қўни-қўшни, маҳалла, эл-юрт осойишталиги илдизларини таҳлил этиб, энг ўқимишли, таъсирчан тарзда ёритган ижодкорлар ўртасида ўтказилади.

Танлов якунлари йил давомида икки бора - Наврўз ва Рамазон ҳайити байрамлари арафасида чиқарилади.

ЯНГИ РАИСЛАР ЎҚУВИ

2003 йилнинг октябрь ойида вилоят Маҳалла Маркази қошида "Маҳалла эиёси" республика ўқув-услубий Марказининг филиали очилган эди. Унинг навбатдаги ўқув машғулотида ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида янгидан сайланган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари қатнашди.

Йиғин раислари ўқувида вилоят ҳокимлигининг котибият мудири Ҳакимахон Тожибоеванинг "Обод маҳалла йили" Дастурининг вилоятда бажарилиш якунлари ҳамда Меҳр ва мурувват йили вазифалари ҳақида", вилоят Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси Толибжон Ҳафизовнинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давр талаблари асосида янада такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида", вилоят Адлия бошқармасининг ҳуқуқий маърифий-тарғибот Маркази раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Эгамберди Қўзиевнинг "Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни ва уни ҳаётга тадбиқ этиш тўғрисида"ги маърузалари тингланди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

ВИЛОЯТДА ПЛЕНУМ

Яқинда Сурхондарё вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси вазифасига Э.Кўчкиновнинг сайланиши билан боғлиқ ташкилий масала кўрилди. Пленум иштирокчилари бу номзодни якдил маъқулладилар.

Шунингдек, пленум изидан ўтказилган раёсат йиғилишида «Меҳр ва мурувват йили» Дастурини ижросини таъминлаш, маҳаллаларда тадбиркорликни, ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш юзасидан бажарилиш лозим бўлган ишлар режалаштирилди, муаммолар таҳлил этилди.

Йиғилишда вилоятда «Mahalla» газетасига обуна уюштириш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш юзасидан ҳам режалар белгиланди.

Мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

Оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари

уларни қандай сайлаймиз?

Муштарийларимизга яхши маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланиб, лойиҳа умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Айни кунларда бу лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси қизғин давом этмоқда.**

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг ташаббуси билан ўтказилган муҳокама пайтида ҳам лойиҳа умуман маъқулланганги ҳолда унга баъзи бир ўзгартиришлар, тўлдиришлар, қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар айтилди, мулоҳазалар билдирилди.

Қонун лойиҳасига бағишланган муҳокамани **Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви раиси** Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ очди ва олиб борди.

Муқимжон ҲАСАНОВ,
Жиззах вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси:

Қонун лойиҳасининг 12-моддасида "Ишчи гуруҳининг ваколатлари" баён этилган. Шу ўринда мазкур бандга баъзи бир аҳамиятга молик бўлган қўшимчалар киритиш зарур деб ўйлайман. Хусусан,

"Ишчи гуруҳи:

фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилайди ҳамда бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилади" дейилганда "бу ҳақда" сўзидан кейин **"камида 5 кун олдин"** дея аниқ муддат киритиш ўринли бўларди. Шу моддани иккинчи бандидан сўнг ишчи гуруҳининг яна бир ваколати сифатида **"Агар сайловни вакиллар иштирокида ўтказиш зарурати туғилса, жойларда вакиллар сайловини ташкил этади" шаклидаги банд киритилса, сайлов жараёнидаги ишлар янада аниқлашарди.**

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тартибига бағишланган 14-моддага "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади" жумласида **бу ишнинг сайлов олди йиғилишларида амалга оширилиши** қайд этиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Марат ҒУЛОМОВ,
юридик фанлари номзоди, маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

5-модданинг "...овоз бериш якунларидан воқиф қилинади" деган иборасида "воқиф" сўзини **"хабардор"** сўзи билан алмаштириш лозим. 10-модданинг сайловни ташкил этиш ва ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни архивга топширилиши қайд этилган бандида бу ишни **қайси муддатда бажарилиши** кўрсатилгани маъқул деб ўйлайман. 12-моддада **ишчи гуруҳининг мустақил иш юритишини** ҳам қайд этиш лозим.

Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви раиси биринчи ўринбосари:

13-моддадаги "намоёндалар" сўзини "фуқаролар" сўзи билан алмаштириш лозим. 14-моддадаги "фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади" деган жумлада аҳолининг фикрини ҳисобга олиш йўли қандай йўл билан амалга оширилиши қайд этилиши аниқлаштирилиши лозим деб ўйлайман. Шу бандда "номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига топширилиш муддати ҳам қайд этилиши шарт деб ҳисоблайман.

Баҳодир ҚОСИМОВ,
Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси ўринбосари:

- Ҳар бир тадбир маълум даражада сарф-харажат воситасида амалга оширилади. Шу боисдан 7-моддада маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари сайловларни ўтказишда **фуқаролар йиғинларини молиявий томондан ҳам қўллаб-қувватлаши шартлиги** қайд этилиши лозим.

14-моддада **оқсоқолликка номзодларнинг ҳокимият органлари томонидан тавсия қилинмай қолиши сабаблари йиғилишда тушунтириш тарзида айтиб ўтилиши** ҳақидаги жумла зарур деб ҳисоблаймиз.

(Давоми 2-бетда)

Тадбир

Тошкент шаҳри

ЭЗГУ ИШЛАР САРҲИСОБИ

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлимида Обод маҳалла йилида амалга оширилган ишлар сарҳисоби Меҳр ва мурувват йилидаги режалар юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирни кенгаш ва жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими раиси Р.Акромов кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Нуроний", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа бир қатор давлат ва жамоат ташкилотларнинг вакиллари ҳисоботлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, тадбирда "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раёсати ва кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш, тафтиш комиссияси таркибини янгилаш, жамғарма қошида фаолият юритаётган "Қалб эътиқоди" давраси вакилларининг таркибини сайлаш ва тасдиқлаш ҳамда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ишлаб чиқилган ҳудудий дастур ва иш режасини тасдиқлаш каби масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Бугун маҳаллаларимиз фаолиятини тубдан янгилаш, уларни ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларимизнинг самараси аввало пойтахт маҳаллаларида ўз аксини топмоғи лозимлиги йиғилишда алоҳида қайд этилди. Чунки бу ерда қилинаётган барча ишлардан республикамиздаги вилоят, туман маҳаллалари ўрнак олишади. Шундай экан, бугун оқсоқоллардан ниҳоятда катта масъулият, ташаббускорлик ва фаоллик талаб қилинади.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Обуна-2004
Mahalla

-Яна нима дейди?
-«Mahalla»га обуна бўлишга ҳеч қачон кеч эмас, - дейди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЯНГИ ДОЛЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

АҚШда янги купюралар муомалага киритилганига беш ой бўлаяпти. Ўтган йилнинг 9 октябрида молия вазирлиги янги 20 долларлик банкнотни жорий этган эди. Янги пулларнинг муомалага киритлиши қандай натижа беряпти?

Янги долларнинг ташқи кўриниши бироз ўзгартирилган, ўтмишдошидан ранг-дорлиги билан ажралиб туради. Лекин ҳажми ва ўлчамлари ўзгармаган. Олд томонида АҚШнинг еттинчи президенти Эндрю Жексоннинг сурати, орқа қисмида эса Оқ уй тасвирланган.

Банкнотда асосан яшил, оқ ва қора ранглардан фойдаланилган. Лекин президент Жексон суратининг атрофи тўқ сариқ рангга бўялган ва унинг чап томонида мовий бургут сурати бор. Лекин асосий гап пулнинг ташқи қиёфаси ўзгарганида эмас. Унинг ҳимояси анча кучайтирилган. «USA Today» газетасида АҚШ молия вазирлигининг сохта пул ясовчиларга қарши курашувчи муассасаси - махфий хизмат мутахассисларининг бу масалада билдирган фикрлари эълон қилинди. Мақолада айтилишича, янги банкнотни, эскисидан фарқли ўлароқ, қалбакилаштириш жуда қийин. Уни ишлаб чиқишда янги дизайн ва ҳимоя унсурлари қўлланилган.

Банкнотнинг муомалага чиқарилиши, қалбаки 20 долларликлар ҳаракатини ҳам тўхтатиб қўйди. Махфий хизмат вакилларининг таъкидлашича, сохта пул ясовчилар янги долларнинг ҳимоя унсурларидан нусха кўчира олмаган.

Эски купюрадаги сохта пулларни аниқлаш жараёни ҳам осонлашди. Маълумотларга қараганда, 9 октябрдан буён махфий хизмат ходимлари томонидан умумий қиймати 1 миллион доллар-га тенг сохта пуллар аниқланган. Бу илгари шунча даврда қўлга олинган қалбаки долларлардан анча кўпдир.

АҚШ ҳукумати пул ҳар 10 йилда янгиланишини маълум қилди. Жорий ва келаси йилда янги 50 ва 100 долларлик купюралар муомалага чиқарилиши кутилмоқда. Эски пуллардан эса улар муомаладан чиқиб кетмагунича фойдаланавериш мумкин.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси

Мулоҳаза

Ҳамид НОРҚУЛОВ

♦ «... Сизларда билмадим қандоқ, лекин бизда ҳар бир маҳалланинг бир оғиз сўзи билан "ўтирғизиб-турғизадиган" одамлари бор...»

♦ «... Хўп, жуда эътиборли одам экан, нега маҳалла оқсоқоли қилиб қўйишмайди...»

♦ «Маҳаллаларда энг ҳурматли одамлар кўп, уларнинг ҳар бири бой ҳаёт йўлига эга. Лекин маҳалланинг "катта"-си битта бўлади...»

МАҲАЛЛАНИНГ "КАТТАСИ" КИМ?

у йиғин раисига энг яқин кўмакчи эмасми?

Бир даврада маҳалладошлар дунёнинг ишларидан тортиб кўни-кўшнининг можаросигача элакдан ўтказар экан, айниқса бир масалада қаттиқ тортишиб қолишди. Шу маҳаллада яшовчи болалардан уч-тўрт нафари қабристонни ўраб турган сим тўрлардан бир ўрамини ўғирлаб, сотиб юборишибди. Хуллас, сотганлар ҳам, сотиб олган ҳам шу маҳалладан.

Даврада эса шундай гап қизийди:

— Сотгани келган болалардан буни қаердан олдинг, деб сўраса бўлмайдими?

— Болаларимиз ҳозирдан инсофсиз, иймонсиз бўлиб ўсса, эртанги кунимиз нима бўлади?

— Уларнинг ота-оналарига ўғрилик ҳақида айтиб қўйиш керак.

— Маҳалла оқсоқоли биттасининг уйига борса, осмондан келибди...

— Э, уларга ҳеч ким гапиролмайди... Оғзингиздан чиқса ёқангизга ёпиштириб қўяди.

Шу пайт даврада ўтирган бир меҳмон "Маҳалланинг каттаси ким?" - деб суҳбатга аралашди.

Кимдир маҳалла оқсоқолини айтса, кимдир ёши улуғ бир одамнинг исмини айтди. Меҳмон бош чайқади.

— Сизларда билмадим қандоқ, лекин бизда ҳар бир маҳалланинг бир оғиз сўзи билан "ўтирғизиб-турғизадиган" одамлари бор. Уларнинг сўзлари ўткир, салобатли, одамлар юзига тик қарай оладиган, ниҳоятда ақлли ва оқ-қорани яхши ажрата олиш салоҳиятига эга, аввало ўз оилалари билан ҳаммага ибрат. Юриш-туришлари покиза, мазмунли. Тўғрисини айтиш керак, баъзи жойлардаги маҳалла оқсоқоллари ҳам бундай салоҳиятга эга эмас.

Даврада ўтирганлар "бизда бундай одамлар йўқ" дейишга шошилмай, ораларидан шундай одамни қидираётганликлари уларнинг кўз солишларидан маълум эди.

Меҳмоннинг гапини мулоҳаза қилиб кўрсам, унда жон бор. Мен ҳам турли жойларда, турли вазиятларда шундай одамларни учратганман. Улар ҳар куни одамлар орасида юрса ҳам, керакли пайтлардагина керакли гапни айтадилар. Бировларнинг хаёлига дарров бир гап келиши мумкин: «Хўп, жуда эътиборли одам экан, нега маҳалла оқсоқоли қилиб қўйишмайди». Бунинг сабаблари кўп. Бирови минг йилда ҳам бу лавозимга кўнмайди, бировининг ёши ўтган, бировининг бошқа юмушлари бор, бировининг... Хуллас, гап унда эмас, гап уларнинг борлигида.

Бу мулоҳазаларимни бир танишимга айтиб берган эдим, у буни оддий ҳол деб баҳолаб, гапира кетди.

— Бизнинг маҳалламизда ҳам шундай бир одам бор. Маҳалла оқсоқоли ҳеч ёнидан қўймай ўзи билан олиб юради... Яқинда кўчадаги ариқни тозалаш бўйича йиғилиш бўлди. Ҳар ким ўзининг уйи олдидаги ариқни чопиб, тозалаб қўйсин деди. Гап айтилди, йиғилиш тугади ва орадан ўн кун ўтса ҳамки 3-4 одамни ҳисобга олмаганда қолганлар бу ишга қўл урмади. Яна йиғилиш бўлди, яна ўша гап. Шунда ҳалиги одам ўрнидан туриб, "Шу якшанба куни ҳашар, эшитганлар ҳозир эшитсин, эшитмаганларга оқсоқол, котибангизни юбориб уймуй айттириб чиқинг", деди. Ишонасизми, якшанба куни шунақанги ҳашар бўлди, худди байрамга айланиб кетди. Ариқ тозалаш билан бирга, маҳалладаги 2-3 оиланинг ҳовли-жойигача тозалаб бердик.

Кўрдингизми, маҳалла оқсоқолининг ҳурматига заррача шубҳа билдирмаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки орамизда, маҳаллаларимизда шундай қатъиятли ва одамларни бирлаштиришга қодир инсонлар кўпчиликни ташкил этади.

— Биз томонларда яхши бир одат бор, — дейди Тошкент вилоятидаги Янгиобод маҳалласи раиси. — Бошқа жойда яшаб, маҳалламизга дахлдор жойи бўлса бас, тўйгами, азагами айтиш учун маҳалламизнинг "каттаси"га келишади. Бундай ҳурматнинг тагида нима бор экан, деб кўп ўйлаганман. Албатта, бизга хос бўлган каттага ҳурмат фазилати ўз йўлига. Барибир халқимизда обрў-эътиборли, покиза ва самимий, мард ва қатъиятли одамларга эргашиш ҳисси кучли. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир тўйхона олдида жанжаллашиб турган ёшларни тарқатиш учун бир бадавлат одам уларни сўкиб, олдига солиб ҳайдамоқчи бўлди. Шунда йигитларнинг бири "Фалончи ака, бой бўлсангиз ўзингизга, биз сизнинг ўғлингизга ўхшаб бировни пичоқлаб қўймоқчи эмасмиз, сиз аралашманг", деб юборса бўладими. Ваҳоланки, унинг ўғли бундан ўн йил илгари қамалиб келган, ҳозир тижорат билан шуғулланиб, ошиғи олчи эди. У одам мулзам бўлиб ортига қайтди. Шу пайт тўйхонадан ниҳоятда ҳалол, болалари бир умр кетмон чопиб, деҳқончилик қиладиган, бировдан тили қисиқ жойи йўқ Давлат ака чиқиб қолди. Жанжалкашларга қараб "Болаларим, бир одам умид билан сарф-харажат қилиб тўй қилаяпти, ўйиндан ўт чиқиб, у кишини ҳам хижолатга қўймайлик. Ё тарқалинглар, ё ичкарига киринглар", - деди. Шу гап етди. Ёшларнинг ярми тўйхонага, ярми эса бошқа томонга кетишди...

Шу мавзуни ёритиш жараёнида жуда кўплаб одамлар билан суҳбатлашдим. Саволим доимо бир хил эди: "Маҳалланинг "каттаси" билан маҳалла оқсоқоли ўртасидаги муносабат қандай? Улар бир-бирларига халақит беришмаяптими? Ёки инкор қилишмаяптими?" Шу саволимга бир маҳалла раиси шундай жавоб берди:

— Қизиқмисиз, бировнинг топган ҳурмат-эътиборини ҳеч қачон тортиб ололмайсиз. Бундай одамлар орамизда бор. Ақлли раис уларни қанотига олиб улар орқали битмаётган муаммоларни битказади. Бу билан обрўйим пасайиб қолади, деса хато қилади.

Бошқа бир маҳалла раиси эса саволимга бир воқеа тафсилоти билан аниқлик киритди.

— Маҳалламизда майда ўғрилик жуда кўпайиб кетди. Билганларимизни олиб келиб муҳокама қиламиз, қани энди камайса-чи. Охири бўлмади. Тўй-у тўмалоқда доимо тўрга чиқувчи, азаларда маслаҳат берувчи бир отахон бор эдилар. Шу кишига айтдим, ёрдам сўрадим. Маҳалламизда бир марҳумнинг таъзиясида жанозадан олдин шу отахон сўз олиб:

— Азизлар, мана марҳум Яратганнинг ихтиёри билан чин дунёга кетаяпти. Ўзидан яхши ном, фарзандлар, уй-жой қолди, ҳаётда ҳалол яшаб ўтди. Эшитишимча, маҳалламизда ўғрилик кўпайибди. Бир-биримизни "чув" тушураяпмиз, холос. Халойиқ, бизга уят, болаларни, ёшларни бу йўлдан қайтаринглар...

Бошқа гап бўлмади. Ишонасизми, аста-секин бу ярамас одат йўқолиб, тунлари йигитларимиз ўзлари навбатчилик ҳам қилишди. Ўша отахоннинг гапи бундоқ ўйлаб қарасам, шундай таъсирчан оҳангда айтилдики, бу дунёнинг омонатлилигини одамларнинг ёдига солди, онгига жуда тез сингди.

Маҳалланинг "катта"си... Бу ерда албатта, "катта", сўзини "энг ҳурматли"си деган сўз алмаштириб тургандек. Аслида эса ундай эмас. Маҳаллаларда энг ҳурматли одамлар кўп, уларнинг ҳар бири бой ҳаёт йўлига эга. Лекин маҳалланинг "катта"си битта бўлади.

Шундай жойлар ҳам борки, айнан шу маҳалланинг "катта"си оқсоқол қилиб сайланган. Улар кишиларни ўз ортларидан эргаштириб, кўп савобли ишларни амалга оширмоқдалар.

Юртимизда, маҳаллаларимизда мард ва жасур, ҳурмат ва иззатли, обрў-эътиборли одамлар қанчалик кўпайса, яхшилик, эзгулик, меҳр-мурувват шунчалик кўпаяди. Бир-биримиз бўлган оқибат, қадр-қиммат ошади, бир-биримизга дардкаш ва суянчиқ бўлиб яшаймиз.

Бироқ бу борадаги юксалиш жараёнини сусайтираётган айрим муаммолар ҳам мавжудки, уларни атрофлича мулоҳаза қилиб, ечимини топиш даври келди. Хўш, спортнинг ривожланиш босқичи нималардан иборат? Уларни ортга сураётган муаммолар-чи?

Маълумки, спортга қизиқиш аввало оилада шаклланади. Фарзанд дастлаб ўз оиласида ота-онаси орқали бу борада илк кўникмаларни ҳосил қилади. Шу боис, ҳозирда оилавий спортни ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Маълумотларга кўра, ўтган 2003 йилда республика бўйича спортнинг бу тури билан шуғулланадиган 50 минг оила ҳисобга олинган. Бу кўрсаткич мамлакатимизда истиқомат қилаётган 6 млн. 700 минг оиларнинг бор-йўғи 0,7 фоизини ташкил этаётганинг чекка қишлоқ ва маҳала мактабларида бу борада камчиликлар кўп. Ҳатто каттагина спорт иншоотига эга бўлган бундай таълим масканларида спорт жиҳозлари - анқоннинг уруғи. Ўқувчилар учун бир дона чарм тўп сотиб олишга қурби етмаган мактабларни кўриб ачиниб кетасан киши. Баъзида жисмоний тарбия машғулотларини олиб бораётган ўқитувчи спорт кийими сотиб олишга имкони бўлмаган ўқувчининг дарсда иштирок этишини таъқиқлайди. Аслида ҳам қоида шуни талаб қилади. Бунинг ўрнига ўқитувчи ўз ўқувчисининг ижтимоий аҳволи билан қизиқиб, агар у эҳтиёжманд оила фарзанди бўлса, маҳалла йиғинига ёки мактаб маъмуриятига мурожат қилса ва унга моддий ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқса яхшироқ эмасми?

"НОЗИК" МАСАЛАНИНГ ЕЧИМИ ҲАМ БОР

Ёки болалар спортини ривожлантиришдаги муаммолар хусусида

Бугунги кунда мамлакатимиз спортида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй бермоқда. Қисқа давр мобайнида эришилган ютуқлар ана шундай ислоҳотлар самараси. Юртимиз байроғини юксакларга кўтараётган спортчиларимиз издошлари республикамизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби спорт мусобақаларида кашф қилинмоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда оилавий спорт, болалар спортини тараққий эттиришда ҳам талай ишлар қилинди. Буларнинг замирида ёш авлодни соғломлаштириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, миллатимизнинг ғурур-ифтихорини кўтариш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби эзгу мақсадлар ётади.

Гарчи, қисқа вақт ичида эришилган ютуқларимиз ҳам талайгина бўлсада, аммо тан олиш керакки, бизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларимизда оқсаш сезилади. Бунинг асл сабабларини, туб илдизини излаш учун масаланинг моҳиятига чуқурроқ назар ташлаш лозим. Мана биргина оилавий спорт турини олайлик. Унда асосан ота-она ва фарзандларнинг якдилликда спорт билан жисмоний машғуллиги тушунилади. Шундай экан, бу жараёнда ота ёки онанинг (улар оиланинг ўзаги!) иштирокини айри ҳолда тасаввур қилсак, унда оилавий сўзининг мазмун моҳиятига ҳам, узвийликка ҳам путур етади. Аммо бу ўринда миллийлик, қадрият, андиша каби халқимиз қон-қонига сингиб кетган азалий тушунчалар борки, уларни асло рад этиб бўлмаса керак.

Энди мушоҳада юритайлик. Ўзини бегона кўздан асраб, шарқона либос кийган ўзбек аёли ўз миллий либосини қулайлик касб этувчи спорт кийимлари билан алмаштиришга осонгина ихтиёр бермаслиги табиий. Чунки улар бундай ҳолда ён-атрофдагилар, қўни-қўшни, маҳалла-куйга кўринишга истиҳола қилишади. Шунинг учун бўлса керак, оилавий спорт мусобақаларида айрим оилалар ўз имкониятларининг юқорилигини ҳис қилиб турсалар-да, рақиб жамоага нисбатан даъвогар бўлиб чиқавермайдилар. Бунда юқоридаги ҳолатларнинг ҳам маълум маънода таъсири бўлса ажаб эмас. Шунингдек, хотин-қизлар спортида ҳам ушбу нозик масалалар тараққиётни секинлаштирмоқда. Бундай муаммоларни бартараф этишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллигини янада ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали усуллари устида бош қотириш лозим.

Иккинчи масала — болалар спорти хусусида. Маълумки, спортнинг бу босқичи умумтаълим мактабларида ўтиладиган жисмоний тарбия дарслари ҳамда ўқувчилар орасида ташкил этиладиган турли спорт мусобақалари орқали шаклланади. Бироқ мамлакатимизнинг чекка қишлоқ ва маҳала мактабларида бу борада камчиликлар кўп. Ҳатто каттагина спорт иншоотига эга бўлган бундай таълим масканларида спорт жиҳозлари - анқоннинг уруғи. Ўқувчилар учун бир дона чарм тўп сотиб олишга қурби етмаган мактабларни кўриб ачиниб кетасан киши. Баъзида жисмоний тарбия машғулотларини олиб бораётган ўқитувчи спорт кийими сотиб олишга имкони бўлмаган ўқувчининг дарсда иштирок этишини таъқиқлайди. Аслида ҳам қоида шуни талаб қилади. Бунинг ўрнига ўқитувчи ўз ўқувчисининг ижтимоий аҳволи билан қизиқиб, агар у эҳтиёжманд оила фарзанди бўлса, маҳалла йиғинига ёки мактаб маъмуриятига мурожат қилса ва унга моддий ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқса яхшироқ эмасми?

Бугун маҳаллаларимиз ҳудудида спорт майдонлари, спорт мажмуаларини қуриш анъанага айланиб бормоқда. Ҳозирда мамлакатимизда 6 мингдан зиёд ана шундай янги иншоатлар қуриб битказилган. Аммо шуни ҳам эсдан чиқармайликки, янги спорт майдони қурилишининг ўзи билан спорт ривожланиб кетмайди. Ахир уни турли спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозлаш керак. Зарур бўлса, кам таъминланган оила фарзандлари учун спорт кийимларини ҳам олдиндан ҳозирлаб қўйиш даркор. Шу билан бирга бундай янги спорт ўйингоҳида маҳалла ёшларининг ўз ҳолича тўп тепиб юраверишлари ҳам тўғри эмас. Улар билан махсус мутахассис шуғулланиши лозим.

Бу ўринда маҳалла педагогтарбиячисининг ҳам масъулияти каттадир.

Бугун туман ва шаҳар марказларида замон талабларига мос спорт мажмуалари фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларнинг аксариятида мижозларга пулли хизмат кўрсатиш кенг тарқалган. Ачинарлиси, бундай масканларда шуғулланиш учун барчада бирдек имконият йўқ. Негаки айрим маҳаллалар марказдан анча олисда жойлашган. Аҳолининг қатнаши учун ҳам масофа узоқ, ҳам йўлга кетадиган сарф-харажатлар юқори. Баъзи кам таъминланган оилалар пулли хизмат ҳақини қоплаш имконини топа олмайдилар. Шу боис, бундай спорт масканларини эҳтиёжманд оилалар ва уларнинг фарзандлари учун бепул қилиш ёки маълум миқдорда чегирмалар уюштириш зарур. Бундай имконият вояга етмаган ўғил-қизлар учун ҳам тўлиқ йўлга қўйилиши керак.Шунингдек, турли ҳомий ташкилот ва корхоналар, саховатпеша инсонларни нафақат маҳалла ободончилиги, кишилар турмуш тарзини яхшилашга, қолаверса маҳаллаларимизда спортни ривожлантириш ишларига ҳам кенгроқ жалб қилиш лозим.

Фаррух БЎТАЕВ, "Mahalla" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

Оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари

уларни қандай сайлаймиз?

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Аминжон СОЛИЕВ, Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси:

9-моддада фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларнинг **қачон тузилиши ва унинг фаолияти муддати қайд этилиши** лозимдир.

Комиссияларнинг ваколатлари (10-модда) доирасида **фуқароларга сайловлар якуни ҳақида ахборот бериш** ҳам киритилса.

17-моддада "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади" деган қоидага оқсоқолнинг ўз маслаҳатчиларини **қачон танлаб, қайси жараёнда, қай вақтда тақдим этиши** юзасидан аниқлик киритиш керак. Чунки сайловда сайланган йиғин раиси (оқсоқоли) шу жараёндаёқ бу рўйхатни тайёрлашга улгурмайди. Олдиндан тайёрлаб қўйиш учун эса унинг ваколати йўқ бўлади.

Абдухалил МЎМИНОВ, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор:

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси билан ҳаракатдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (янги таҳрирдаги) Ўзбекистон Республикаси қонунидаги айрим моддаларни бир бири билан мослаштириб, уларнинг мутаносиблигини таъминлаш зарур. Жумладан, ҳаракатдаги қонуннинг 18-моддасида "Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туманлар ва шаҳарлар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди." дейилган бўлса, муҳокамага қўйилган қонун лойиҳасининг 13-моддасида "...Вакиллик нормаси тегишли фуқаролар йиғини низомида белгиланади..." деб кўрсатилган. Ёки ҳаракатдаги қонуннинг 18-моддасида "Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир..." деб уқтириб ўтилган бўлса, қонун лойиҳасининг 26-моддасида бу ҳолат қуйидагича акс эттирилган "...Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади..." Демак амалдаги Қонуннинг 18-моддасидаги **вакиллар йиғинига оид қайдни** шу бандга қўшиш керак бўлади.

Бахтиёр УСМОНОВ, Тошкент вилояти Қибрай шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси:

Қонун лойиҳасининг 20-модда иккинчи хат бошида "...овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, қўл кўтариш йўли билан ўтказилади..." жумласида "таклифларнинг келиб тушиш" сўзлари **"уларнинг оталари исмларининг алфавитдаги жойлашуви..."** сўзлари билан алмаштирилиши лозим. Зотан, таклифнинг олдинроқ ёки кейинроқ тушишига урғу берилиши жараёнга халақит беради, холос.

Қонун лойиҳасининг 22-моддасига қуйидагиларни қўшимча қилиб ёзиш лозим. **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига бағишланган йиғилишда ишчи гуруҳининг раҳбари ёки вакили иштирокида йиғилиш раёсати сайланади ва фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлаб бўлингунга қадар йиғинни ишчи гуруҳи раҳбари ёки вакили, сўнгра кун тартибидаги қолган масалалар бўйича янги сайланган раис (оқсоқол) олиб боради".**

Бўрибой БЎРОНОВ, Самарқанд вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари:

4-модданинг иккинчи бандидаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни вояга етган ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар эгадирлар" жумласида "вояга етган" иборасини **"18 ёшга тўлган"** дея ўзгартириш лозим. Одатда бундай тадбирларда 18 ёш назарда тутилади.

26-моддага қуйидаги қўшимчани киритиш лозим деб ўйлайман: **"Такрорий овоз бериш натижасида кўрсатилган номзодлар етарли овоз ололмаса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларига яна қайтадан номзодлар кўрсатилади".**

Олимжон НУРИДДИНОВ, Наманган вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси:

7-моддада "...зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шарт" деган жумлада **"зарур ҳолларда"** бирикмаси ортиқча. Чунки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишда бу воситалар вақти-вақти билан эмас, бутун компания даврида зарур бўлади.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг 10-моддасига яъни "Комиссияларнинг ваколатлари"га 11-банд қилиб, **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш билан боғлиқ қонун ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни аҳоли ўртасида тарғиботини ташкил этади"** деган жумлани киритишни таклиф қиламан.

Гулчеҳра МАЛИКОВА, ТДЮИ ўқитувчиси:

Хорижий мамлакатлар, хусусан, Германия, Бельгия ва бошқа давлатларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимига оид ҳужжатларда **"маҳаллий аҳоли ва фуқаро"** тушунчаларига алоҳида-алоҳида юридик талқин бериб ўтилади. Ҳолбуки, Ўзбекистонда ҳам Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлмаган шахслар бир неча йил мобайнида яшайдилар. Лекин уларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларидаги иштироки ҳеч бир қонунда қайд этилмаган. Зотан, улар шу ҳудудда яшаш борасида йиғин таъсир доирасида бўлади. Муҳокамадаги қонун лойиҳасининг 4-моддасида бу ҳолатга ҳам аниқлик киритиб ўтиш лозим деб ўйлайман.

Лойиҳанинг 15-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларнинг сайлов кунигача тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиши шарт қилиб кўрсатилган. Аммо доимий яшаш мезони қандай? Кимдир ўша ҳудудда туғилиб ўсган ва ҳозир ҳам яшамоқда, бошқа биров бундан 2-3 кун олдин кўчиб келган бўлиши мумкин. Ҳар иккаласи ҳам доимий яшовчи ҳисобланади. Шу боисдан бу ўринда номзоднинг сайлов кунигача қанча муддат яшаган бўлиши шартлиги аниқ кўрсатилса яхши бўларди.

Шу моддада йиғин раиси (оқсоқоли) вазифасига номзоднинг "...ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак"-лиги айтилган. Мазкур тушунчаларнинг ҳам аниқ мезони йўқ. Қонун норматив ҳуқуқий актдир. Шундан келиб чиқиб, мазкур қонуннинг 15-моддасини **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига қоида тариқасида олий маълумотли ва сайлов кунигача тегишли ҳудудда 5 йил муддатда доимий яшаган шахслар ўз номзодларини қўйишлари мумкин"** дея қайд этилишини таклиф қилардим.

Мирислом УСМОНОВ, Тошкент вилояти Тошкент тумани Шамсиобод маҳалласи оқсоқоли:

3-моддадаги "динга муносабати" иборасини **"динга муносабати ва эътиқоди"** шаклида тўлдириш лозим деб ўйлайман.

14-моддада фуқаролар йғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш ва номзодлар ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш **қайси муддатда тўхтатилиши** ҳақида қайд этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси ўринбосарлари Гулнора Йўлчиева, Садриддин Ҳасанов, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидан маҳалла оқсоқоли Ўктам Ҳайитов, "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази директори Саминжон Раҳимов, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Оқсоқоллар кенгаши раиси, жамғарманинг туман бўлинмаси раиси Саидаҳмад Обидов, Тошкент вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ходими Мастура Қорабоева, Тошкент туманидан оқсоқол Абдуфаттоҳ Абдуллаев эътироф этган таклиф, ўзгартириш ва қўшимча, мулоҳазалар ҳам эътиборга моликдир.

Жумладан:

"1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади" дейилганда "ушбу" сўзини туширib қолдириш, 2-моддада "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатлари" деган таъкидга **"Ўзбекистон Республикасининг асосий Қонуни"**ни қўшиш ва жумлани шу атама билан бошлаш, 3-моддада "принциплари" сўзини **"тамойиллари"** сўзи билан алмаштириш, шу моддадаги "...фуқаролар йиғининнинг ҳар бир иштирокчиси..." дейилган ўринда "иштирокчиси" сўзи олдидан **"ваколатли"** сўзини қўшиб қўйиш, 4-модда 2-банддаги "фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур этиш мақсадида, шунингдек, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас", шу модданинг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқароларнинг иштирок этиши ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади" жумлаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларига оид кўплаб қонунлар орқали мустаҳкамланганлиги сабабли бу қонундан мазкур жумлаларни туширib қолдириш каби таклифлар билдирилган.

ЗАНГОРИ ОЛОВ — ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

*** Наманган вилояти шаҳарлари, қишлоқлари азалдан обод, гўзал ҳисобланади. Сўнгги йилларда эса вилоят аҳолисини табиий газ билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, айни кунда вилоятнинг энг чекка қишлоқлари хонадонларида ҳам зангори олов порламоқда.**

*** Вилоятда ушбу йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 271 мингдан ортиқ аҳоли хонадонлари, 4200 дан ортиқ улгуржи истеъмолчилар табиий газ билан таъминланган.**

*** 7200 кмдан ортиқ ер ости ва ер усти газ тармоқлари, 4760 та юқори ва ўрта босимли ГТП (газ тақсимловчи подстанциялар) мавжуд.**

*** Ўтган йил давомида истеъмолчиларга режадаги 1112 млн. м3 ўрнига 1231 млн. м3 табиий газ етказиб берилди.**

*** Табиий газ етиб бормаган ва газ таъминоти барқарор бўлмаган ҳудудларда аҳолини суюқ газ билан таъминлаш йўлга қўйилган. 2003 йил давомида 409 тонна суюқ газ етказиб берилди.**

ЗАНГОРИ ОЛОВ — ҲАР ХОНАДОНГА!

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги «Республикада газ таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан корхонамиз томонидан аҳолига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш, вилоятнинг газ етиб бормаган чекка ҳудудларини газлаштириш ва ўз навбатида етказиб берилган газ учун тўловларни ўз вақтида йиғилишига эришиш, аҳоли хонадонларига газ ўлчагич асбоблар ўрнатиш, газ тармоқларига ва ускуналарга техник хизмат кўрсатиш юзасидан аниқ белгиланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қарорга биноан корхонамиз бошқарув тизимида ходимлар сони бир мунча қисқартирилди. Аҳолининг дебиторлик қарзларини ундиришни назоратга олиш ҳамда ноқонуний истеъмолчиларни аниқлаш ишларини амалга оширувчи Инспекция бўлими иш бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги юмушларнинг барчаси жойлардаги маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётгани ҳар икки томон учун ҳам самарали бўлмоқда. Чунки бундай ҳамкорлик ноқонуний истеъмолчиларни тезкор аниқлаш, тўловларни ўз вақтида йиғишдан ташқари, чекка маҳаллаларни газлаштириш ишларини бошлаш, тўхтаб қолганларини тугаллаш ишларига ҳам туртки бўлмоқда. Хонадонларда рўй берадиган турли носозликлар ёки таъминотдаги узилишлар ҳақида биз маҳалла йиғинлари орқали хабардор бўламиз ва муаммо тезкор ҳамда жойида бартараф этилади. Бундан истеъмолчи ҳам хурсанд, корхонамиз фаолиятини ташкиллаштириш учун ҳам қулай. Энг муҳими, аҳолидан тўловларни тўлиқ ундиришга эришган маҳалла, қишлоқ йиғинлари ҳисобига ўтказиладиган тегишли фоизлар жойларда кам таъминланган, яъни табиий газ учун тўловларни амалга оширишга лаёқатсиз аҳолини моддий қўллаб-қувватлашга сарфланади. Ўтган йил давомида 9 та чекка, ҳали табиий газ етиб бормаган қишлоқлар тўлиқ газлаштирилди.

Янги ҳудудларни газлаштириш, албатта муҳим масала. Шунингдек, табиий газнинг узлуксиз ва тўғри тақсимланиши учун мавжуд тармоқларни ҳам тегишли ҳолатда сақлаш, уларни доимий назорат қилиб туриш ҳам талаб этилади. Бу йўналишда ишлаб, вилоятдаги жами 4760 та ГТПларида тафтиш ўтказилиб, 319 та дудбуронларнинг созлиги текширилди. 330 км ер ости қувурларини махсус асбоблар ёрдамида, 380 км газ тармоқларини босим остида текширувдан ўтказдик. Жумладан, Косонсой туманидаги Чиндовул-туятойдида 2,97 км юқори босимли, Чуст туманининг Олмос йўлида 0,5 км юқори босимли, Ғайрат, Хисорак-Нурафшон кўчаси бўйлаб, 1,15 км юқори босимли, Поп туманида Тинчлик-Ҳазратибоб, Санг қишлоғи Пиллакаш кўчасида 1,4 км, Давлатобод тумани 3-кичик туманда 0,8 км ер ости газ қувури, Наманган шаҳрида Қўқон, Когон кўчаларида 2,05 км ўрта босимли газ тармоғи, Наманган туманидаги Ғалча қишлоғида 0,34 ва Тепақўрғон қишлоғида 0,58 км ўрта босимли газ тармоқлари ҳалқаланиб, бу ҳудудларда газ таъминоти яхшиланди. Наманган шаҳрида газ таъминоти қониқарли бўлмаётган С.Адашев, Уйчи кўчалари ва уларга туташ кўчаларда газ босимини яхшилаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ёрдами билан 7 км га яқин юқори ва ўрта босимли газ тармоқлари ишга туширилиб, 20 мингга яқин аҳолини газ билан таъминлаш ишлари яхшиланди.

Юқорида санаб ўтилган ташкилий ва амалий ишлар қаторида муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Энг асосий муаммолардан бири — кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, аҳолининг дебиторлик қарзи ўсиб бораётганидир. Бу борада ҳолатни яхшилаш учун шаҳар ва туман ҳокимликлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, вилоят пул-кредит комиссияси билан ҳамкорликда тадбирлар белгиланмоқда. Бу тадбирлар натижаси ўлароқ қарздорларимиз сони камайишидан умидвормиз.

Н.УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Намангангаз» худудий газ таъминоти корхонаси директори.

Оқсоқол фикри

ГАЗЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБЛИ ДЎСТМИЗ

Шукрки, туманимизда, қолаверса, вилоятимизда аҳолини табиий газ билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Биз ҳам ўз навбатида аҳоли ўртасида тўловларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз. «Ҳисобли дўст айрилмас» деганларидек, тўловлар ўз вақтида тўлангач, газчиларимиз ҳам ўз вазифаларини аъло даражада адо этмоқдалар.

Туман «Газтаъминот» корхонаси раҳбари Б.Юсупов ташаббуси билан тўловлардан маҳалла ҳисобига тушадиган чегирма фоизлардан ташқари, бу ишда фаоллик кўрсатган маҳалла оқсоқоли ёки фаолига алоҳида рағбатлантирувчи совғалар тақдим этиш йўлга қўйилди. Бундай рағбатга сазовор бўлаётган маҳаллаларимиз кўп. Бизнинг маҳалламиз ҳам, тўловларни ўз вақтида тўлаш борасида туманда пешқадамлардан. Ўтган йили маҳалламиз хонадонларида 5465 та, яъни газлашган хонадонларимизнинг 58 фоизига газ ўлчагич асбоби ўрнатилди. Газчиларимиз йил бошидаёқ қолган хонадонларга ҳам газ ўлчагич асбоб ўрнатиш ишларини бошлаб юборишди.

Баҳодир НАЗАРОВ,
Тўрақўрғон туманидаги Сарой маҳалласи оқсоқоли.

Бугунги кунда Наманган тумани газ таъминоти тизими ходимлари аҳолига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. «Намангантумангаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси туман аҳлини зангори олов билан тўлиқ ва узлуксиз таъминлашнинг чора-тадбирларини топиб қўйган. Энди тизим ходимлари келгусида қилинадиган муайян ишлар хусусида фикрлашмоқдалар.

СУРАТДА: Корхона бош мутахассиси Қ.Тошпўлатов (ўнгдан биринчи) ходимлар билан.

Имконият

ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ — КРЕДИТГА

"Чортоқтумангаз" филиалида аҳоли хонадонларига шартнома асосида кредит ҳисобига газ ҳисоблагичлар ўрнатиш амалга оширилмоқда. 2003 йилдаги режага биноан 4100 та шундай мосламалар ўрнатиш белгиланган бўлиб, ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 3920 тага бажарилди. 2004 йилда 6100 та хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатиш ишлари белгиланган тадбир асосида амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда 4 та бригада, шу жумладан, 8 та газ пайвандчилар туманда фаолият кўрсатмоқдалар. Хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатишда туман ҳокимлиги ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар аҳоли ўртасида газ ҳисоблагичнинг афзалликлари, улар орқали табиий газни тежаб тергаш мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Айни кунда тумандаги мавжуд 26460 та хонадондан 12548 таси газлаштирилган. Газлаштириш даражаси 47 фоизни ташкил этади. Табиий газ билан газлаштирилган мавжуд 12548 та хонадондан 7304 тасига газ ҳисоблагичлар ўрнатилган.

Табиий газ истеъмолчиларига ҳозирги кунда 424,4 км газ тармоғи 201 та газ тақсимлаш қурилмаси орқали хизмат кўрсатиб борилмоқда. 2003 йилда газ тармоғи тортиш режаси 19 км белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 19,6 км.га бажарилди. 2004 йил газ тармоғи тортиш режаси - 16,0 км.га белгиланди.

Бир неча йилдирки, туманда қиш мавсумида аҳолини табиий газ билан таъмин этишда бир қанча муаммолар юзага келмоқда. Таъминловчи "Ўзтрансгаз" АКси томонидан шартномада белгиланган босим етказиб берилмагани боис туман аҳолисини табиий газ билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилмоқда. Айниқса, Айқирон, Мучум, Гулшан қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда Чортоқ шаҳар ҳудудининг айрим кўчаларида қиш мавсумида табиий газ билан таъминлашда босимнинг пастлиги сабабли газ таъминотида муаммолар юзага келиб, бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътирозларига олиб келмоқда. Бу муаммони ижобий ҳал қилиш мақсадида Чортоқ тумани учун алоҳида Айқирон ширкат хўжалиги ҳудудида Чортоқ АГРС қурилиши режалаштирилмоқда.

Р.ҲАЙИТОВ,
"Чортоқтумангаз" филиали директори.

Чортоқда хонадонларни газлаштириш кўрсаткичи йил сайин ортиб бормоқда. Чекка қишлоқ ва маҳаллар аҳли ҳам соҳа ходимларининг самарали меҳнати туфайли зангори оловдан фойдаланиш имкониятига эга бўлаётганларидан мамнун. Мана бугун туман газчилари 3 км лик масофага қувурлар ётқизиш ишлари билан банд. Тез орада яна кўпгина хонадонларга газ етиб бориши режалаштирилган.

ҲАМКОРЛИК — БИЗГА ҲАМ, МАҲАЛЛАГА ҲАМ ФОЙДАЛИ

Шаҳримизни гуллар шаҳри деб аташади. Гўзал шаҳримиз фаровонлиги, ободлигини таъминлашда бизнинг «Наманганшаҳаргаз» корхонамизнинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. Чунки табиий газ билан таъминланганлик ҳам фаровонлик белгиси эканлигини ҳамма яхши билади. Демак, ҳудуд қанчалик кўкаламзорлаштирилиб, обод этилмасин, бордию у ерда газ таъминоти яхши йўлга қўйилмас экан, бу ҳудудни обод маскан деб бўлмайди.

Шаҳримиз ҳудудида 51027 та хонадон газлаштирилган бўлиб, уларнинг 26536 тасида газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган. Шундан асосий қисми, яъни 17645 донаси биргина 2003 йилнинг ўзида ўрнатилган. Шунингдек, 2003 йилда айниқса, аҳоли ўртасида газдан фойдаланганлик учун амалга оширилмаган дебиторлик қарзларни камайтиришга эришдик. Тан олиш керакки, шаҳримизда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари, уларнинг оқсоқоллари ва фаоллари кўмагисиз балки бунга эришолмаган бўлардик. Бу ҳамкорлик натижасида маҳалла йиғинлари ҳам наф кўрди - тегишли тартибга мувофиқ уларга тўловларни тўлиқ йиғишга эришганлари учун умумий тўловлар миқдорининг тегишли фоизлари тўланди. Шундай қилиб, Наманган шаҳридаги 48 та маҳалла йиғинлари ҳисобига 2003 йилда 15719,5 минг сўм миқдорида фоиз чегирмалари ўтказилди.

Обод маҳалла йили бошида тузилган иш режамизга кўра, Асхикент маҳалласидаги Шерозий кўчасида, истиқбол маҳалласининг Ҳасанобод кўчасида, Мингчинор маҳалласидаги Мингчинор ва Пахтакор кўчаларида, Ўзбекистон номли маҳалланинг Қўқон номли кўчасида, Шаршара маҳалласидаги Маърифат кўчасида турли босим ва ҳажмдаги газ қувурлари ўтказилди, газ таъминоти яхшиланди.

С.МУРОДОВ,
«Наманганшаҳаргаз» корхонаси директори.

СИҲАТГОҲ — ГАЗЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Корхонамизда хизмат самарадорлигини ва сифатини ошириш борасида ҳар бир ходимга қаттиқ талаб қўйилади. Малакали мутахассислар билан бир қаторда ишлаётган ёш ходимлар тажрибасини оширишга катта эътибор қаратилади. Энг муҳими, ишчи ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ишда ўрнак бўлган ишчиларни рағбатлантириш умумий самарадорликни оширишда ижобий таъсир кўрсатади.

Турли саналар, байрамларда тантанали кечалар уюштирилиб, газчи ходимларнинг маданий-маърифий ҳордиқ олишлари учун шароитлар яратилади. Бундай тадбирларда кўп йиллар корхонада садоқат билан ишлаган фахрий хизматчиларимизни ҳам таклиф қилишни, уларга меҳр-мурувват кўрсатишни унутмаймиз, албатта. Ушбу Меҳр ва мурувват йилидаги иш режамизда бундай тадбирларга кенг ўрин берилган.

Бир неча йил бўлдики, «Намангангаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси қошида, газчилар учун алоҳида сиҳаттоҳ ишламоқда. Бу ерда корхона ходимларининг меҳнат таътилларини мазмунли ўтказишлари, даволанишлари учун барча имкониятлар етарли. Бу бизнинг ишчиларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида эришилган катта ютуқларимиздан биридир. Сиҳаттоҳ 100 кишига мўлжалланган. Малакали шифокорлар ошқозон-ичак, юқори нафас йўли, суяк-бўғин касалликлари билан хасталанган беморларни даволашмоқдалар. Газчи-ходимлар бу ерда 16 кунлик даволаниш муддатида саломатликларини тиклашлари мумкин. Замонавий жиҳозланган спорт заллари, бассейн, шахмат-шашка кублари сиҳатгоҳ мижозларига мунтазир.

Бир сўз билан айтганда, наманганлик газчилар уларга яратилган бундай қулайликлардан мамнун. Уларнинг бу соҳада қўлга киритаётган ютуқларида, самарали меҳнатларида турли маданий-маърифий тадбирлар, йил бўйи фаолият юритаётган сиҳатгоҳнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Хуллас, халқимизнинг кўҳна бўлса-да, жуда топиб айтилган «Яхши дам - меҳнатга ҳамдам» деган мақолига ўз фаолиятимизда амал қилишга интиляпмиз.

Ҳабибулла ИСОҚОВ,
«Намангангаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси касаба уюшмаси раиси.

Агар хонадонимизда бир кун газ бўлмай қолса борми... Қанча машаққат чекамиз, ташвишимиз ортади. Ейиш-ичиш, иссиқ-совуғимизнинг мазаси қочади. Наманган шаҳар газ таъминоти ходимларни буни яхши англашади.

СУРАТДА: пайвандловчи Ҳ.Жабборов иш устида.

МАВСУМИЙ МУАММОЛАР
бартараф этилмоқда

"Намангантумангаз" ҳудудий газ таъминот корхонаси Наманган туман аҳолисига бу борада аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирда тумандаги 22633 хонадон тўлиқ газлаштирилган. Улардан 10191 хонадонга, яъни 45 фоизига газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган. Қолган хўжаликларда ҳам бу кўрсаткични тўлиқ амалга ошириш режалаштирилган.

Бироқ ачинарлиси, қиш мавсуми даврида туманнинг айрим ҳудудларида газ таъминоти масаласида аҳвол анча оғирлашди. Тошбулоқ АГРС шартномада кўрсатилган миқдорда газ етказиб беролмагани боис, аҳолини газ билан таъминлаш ишларида муаммолар келиб чиқди.

Бироқ тумандаги корхона мутасаддилари бу масаланинг ҳам ечимини топдилар. Тумандаги Зарбдор, Навбаҳор ширкат хўжаликлари, Ўзбекистон, Ғирвон қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида, Чек, Тошбулоқ, Оқ-ер, Кўл бўйи маҳаллаларида юқори ва ўрта босимли газ тармоқлари қурилиб, газ таъминотини бир қадар яхшилашга эришилди.

Шунингдек, аҳолидан газдан фойдаланганлик учун тўловларни тўлиқ ундириб олиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тумандаги Ғалча-1, Ғалча-2, Хонобод, Қўрғонча, Мулакудинг маҳалла оқсоқоллари бу масалада соҳа ходимларига энг яқин ҳамкор.

Қ.ТОШПЎЛАТОВ,
«Намангантумангаз» корхонаси бош муҳандиси.

Тайёрловчилар: М.ҚОСИМОВА, Ҳ.ҲОШИМОВ

Олам турфа

Кашфиётлар тарихи

ГУГУРТ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Гугурт бир қарашда оддий нарса. Уй бекалари унинг яратилиш тарихини билишармикан? Биз кун давомида ундан кўп маротаба фойдаланамиз-у, аммо унинг кашфиётчиси кимлигини, очиғи билмаймиз.

Дарвоқе, фосфорли гугуртни дунё тарихида 1831 йил кимё университети технология куллиёти 2-босқич талабаси Париж фуқароси Шарль Сориа кашф қилганини ва у барча Франция фуқароларини ҳайратга солгани 19 ёшли кашфиётчини хотиржамликка ундади. У ўта жиддий, ҳар бир реакцияни таҳлил қиладиган, зийрак, бир сўзли йигитча эди-да. Хотиржамлик унга панд берди. Буни қарангки, кашфиётни Шарль Сориа қилди-ю, унинг технологиясини таҳлил қилиб ўзлаштирган немис кимёгари Камерар патент олиб, гугурт "кашфиётчиси" бўлди-қўйди.

Гугурт Оврўпа мамлакатларига XIX асрнинг 2-ярмида тез суратда тарқалиб кетади. Гугурт ишлаб чиқарадиган фабрика ишчилари заҳарлангач, уни ишлаб чиқариш тақиқланади. Оврўпа кимёгар олимлари изланишда давом этишди ва 1848 йил Швед кимёгари Беттчер инсон учун тамомила заҳарсиз гугуртни кашф қилди. Мана, Беттер кашф қилган гугурт ҳозирда ҳам ишлаб чиқармоқда. Шуни айтиш керакки, ҳозирги гугуртларнинг таркиби сульфитли яъни ғадир-будир бўлиб, унинг юзасига ишқалаб осонгина ёндириш мумкиндир.

Гугурт қандай дарахтдан қилиниши ҳам барчани қизиқтирса керак. У фақат бўлиниши осон бўлган тоғ терагидан қилинади.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

Кечинма

ТЎЙГАНГА—ТЎЙ, ТЎЙМАГАНГА—ТОМОША

Ёшим қирқ иккида. Алам қилди,халойиқ, алам қилди. Барибир ўртоғим Ҳамидни ҳурмат қиламан...

Бир ҳафта олдин у билан тўйга бордик. Тўйга борсанг,тўйиб бор, ёмонлигинг қўйиб бор! Тўйхона эгаси — Рашид билан бир неча ой илгари "сан-ман" га бориб қолганмиз.

Аммо тўйига айтган экан, атайин келдим. Одам кўплигидан тўйхонага киришинг билан бошинг айланиб кетади.

Йигит-қизлар, момой-бобойлар—ҳаммаси жамулжам. Иккимиз кириб бордик. Ўзбегимда зап бир одат бор-да: биронбир маъракага борсанг, ишни қўлга сув қўйишу сочиқ тутишдан бошлашади. Мана, ҳозир ҳам шундай бўлди. Сўнг тўйхоначи, негадир, Ҳамидни қучоқлаб қўярда-қўймай етаклаб кетди.

"Меҳмон, сиз меҳмонлар олдига ўтаверинг,биз ҳозир келамиз".—деди, Рашид. Мана, дастурхонга фотиҳа қилинаяптиямки, ўртоғимдан дарак йўқ. Келиб-кетувчиларнинг ҳам сони камайди. Охири тўйхона хизматчиларига раҳмат айта-айта жойимдан секин қўзғалдим. Тўйхонага кираверишда, чап томонда ўтовга ўхшаган каттагина "тўйхона" ҳам бор экан.

Жуда эътиборсизман-да. Қаранг, остона ҳатлагунча, ҳаттоки, қайрилиб ҳам қарамаган эканман.Ҳозир ҳам қарамаслигим мумкин эди. Аммо ўртоғим — Ҳамиднинг йўғон, таниш овозини эшитгандан сўнг, беихтиёр қарадим. Ахир озмунча вақт унинг келишини кутиб, нознеъматларга қўл узатмай ўтирдикми? Ахир бирга келдик, бирга ўтириб, дастурхон ҳурмати, бирга "омин" қилишимиз керак-ку? Хуллас, шуларни айтиш учун унинг овози келаётган ўша жойга бордим. Уни кўрдим. У ширакайф эди...

Ўша пайтдаги манзаранинг умумий кўриниши, чамамда, шундай эди: беш-олтита қишлоқ "катта"лари (Албатта уларнинг ичида Ҳамид ҳам бор), очилган-очилмаган ичимликлар, ўртоғимнинг ҳаммани оғзига қаратиб, ҳавода ўйнаб турган қўллари...

Мен кимлигимни билдим... Ёшим қирқ иккида. Шу ёшга кириб, мана бу мақолни эндигина тушунганимга алам қилади, халойиқ, алам қилади:"Тўйганга—тўй, тўймаганга—томоша".

Жасур КЕНГБОЕВ

Эҳ, сиз одамлар!

ТААЖЖУБ...

> **Руҳимда яшайди "биз" деган сўз,**
> **Кўраман каттакон битта илдизни,**
> **Кўраман ва лекин юмиб ундан кўз,**
> **Иккига парчалаб ташлайман "биз"ни**
>
> **Омон МУХТОРОВ**

Ирисали ХИДИРОВ

Бир куни хонамга ҳамкасбим кириб келди:

— Ассалому алайкум, дўстим! Аҳволларингиз, соғлиқларингиз, ишларингиз, уйдагилар-келинпошшо, болаларингиз... яхшими?

— Ваалайкум ассалом! Келинг, ўтиринг! — дедим, ёзаётган мақоламдан кўзимни олгим келмай ва диққатимни қочирмаслик учун қоғозга тикилиб қолдим.

— Шу дейман, дўстим, жуда кўп ишлайсиз-да! Қачон келсам иш устида бўласиз.

— Ҳа энди, хизматчилик.

— Мен қоғоздан кўз узолмаганим учун у хафа бўлди, деб ўзимни ич-ичимдан койидим. У эса:

— Нариги дунёни ўйламайсизми? — деб ачингансимон кулимсираб қараб тураверди. Мен ўзимни гўё иззат-нафси камситилгандек, эркимга тажоввуз қилингандек ҳис қилдим ва ўнғайсизландим, чунки авваллари ҳам бу ҳамкасбим мени даъват этган эди. Чунки у бировнинг тоат-ибодатини кўрмаса ишонмайдиган одам эди. Шунда:

— Ҳа, энди, баҳоли қудрат, — деб қўя қолган эдим. Кейинги вақтларда анчагина домлалар, асосан, ёши улуғроқлари жума кунлари масжидга боришни канда қилишмайдиган бўлишган эди. Тўғриси, уларга ҳар бир мусулмон ҳавас қилади. Аммо иш, шарт-шароит, дегандек. Шу пайт қандайдир руҳий босим ҳис қилиб, норози оҳангда шундай дедим:

...Наҳотки, мен пора олиб болаларимнинг олдига ёруғ юз билан бора оламан. Ёки мана бу нобакор сингари шариатни ўз манфаатимга мослаштиришим керак-ми?..

— Оғайни, билишимча, дўсту биродарларни бир марта даъват қилиш зарур бўлиб, бу савоб ҳисобланар экан.

— Э, сиз туфайли савоб олмоқчи эмасман. Сизсиз ҳам савоб ишларим кўп! — деди оғайним қўл силтаб ва хонадан қандайдир виқор билан юриб чиқиб кетди.

Орамизда бўлиб ўтган ушбу гаплардан кўп ўтмай яна бир куни олдимга келди у.

— Дўстим, сизга бир яхши гап олиб келдим.

— Хўш!

— Бир магистрантимнинг магистрлик диссертациясини ёзиб берсангиз. 100 доллар беради!

— Нима, ўзи ёзмайдими?

— Эплай олмайди. Контрактда ўқийди. Менинг вақтим зиқ бўлиб турибди. Бўлмаса ўзим ёзиб берар эдим. Илмий сафарга кетмоқчиман.

Мен астойдил мириқиб кулиб, дедим:

— Сиз мени нариги дунёни ўйламасликда айблаган эдингиз. Энди эса мени рўй-рост гуноҳ иш қилишга даъват қилмоқдасизми?

— Қанақа гуноҳ иш? Бировга ёрдам бериш гуноҳ эканми? — деди у ҳайрон бўлиб.

Унинг чеҳрасидаги болаларча ажабланиш ифодаларини кўриб, хаёлимдан "Наҳотки бу одам шунчалик гўл бўлса?" — деган фикр ўтди.

— Бировга диссертация ёзиб бериб, пора олиш гуноҳ бўлмай, нима?

— Йўқ, дўстим! Сиз пора эмас, меҳнатингиз учун ҳақ оласиз! — деди у қатъият билан.

— Ҳечамда! Сиз айтган ишни қилсам, кўп марта гуноҳ қилган ҳисобланаман.

— Ҳе, йўғ-ей! Бу ёрдам. Хўп денг! 100 доллар ишлаб оласиз. 100 доллар тешиб чиқадими? Болаларингиз олдига ёруғ юз билан кириб борасиз!

Унинг чеҳрасида менга нисбатан ачиниш ва айни пайтда жавобимдан таажжубланиш аломатлари акс этар эди.

— Дўстим, мен йўқ дедим-ку! Бўлди-да! Сизни шариат шартларини тўлиқ бажаради, деб ҳавасим келиб юрар эди. Наҳотки шу ишингизни деб ўйлайсиз? Қани, энди чиқинг!

— Э, қизишманг! Талабага ёрдам бериб, меҳнатингиз эвазига ҳақ оласиз. Худо биз домлаларга ризқимизни талабалар орқали берган. Ўз ризқингизни ўзингиз қийманг! Сиз ҳам ҳамма қатори иш қилингда!

Мен унга гап уқтириш фойдасизлигини тушундим. Наҳотки мен пора олиб болаларимнинг олдига ёруғ юз билан бора оламан. Ёки мана бу нобакор сингари шариатни ўз манфаатимга мослаштиришим керак-ми? Бунинг учун менинг қалбим сўқир бўлиши керак-ку! Мен қизишдим ва кескин оҳангда дедим:

— Сиз ўзингизнинг ва ўзингизга ўхшаганларнинг кирдикорини ҳамма учун умумлаштирманг! Ҳалол устозлар ҳам оз эмас. Чиқинг! Акс ҳолда ҳозир директорга кириб, мени ғирромликка ундаётганингизни айтаман.

— Ҳа, сиздан буни кутса бўлади. Директор кейинги вақтларда менга унча рўйхуш бермай қолган. Сиз мен ҳақимда бирор нарса деган бўлсангиз керак-да! — деди-ю, кўзлари ола-кула бўлиб кетган ҳамкасбим ўрнидан шартта туриб, ножўя иш устида қўлга тушиб қоладигандек шошилиб чиқиб кетди. Мен эса анчагача ҳайратимдан ишлай олмадим. Таажжуб! Ҳеч бўлмаса, қалбимизнинг пок иймон-эътиқоди — муқаддас динимиздан ўз манфаатида фойдаланмаса эди бу одам!

«Mahalla» қутлови



ЁРИШГАН КЎНГИЛ...

... Бир тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли хонанда Асатулло Холиқов шу гапни айтиб қолди: "Менинг водийга тез-тез йўлим тушиб туради. Қаерга бормайин, сиз сирдарёликларнинг Тўра Сулаймондай шоирларингиз бор деб айтишади..."

Ўйлаб қарасам, чинданам Тўра аканинг шеърлари кириб бормаган, қўшиқлари янграмаган бирор ўзбек хонадони йўқ. Шунинг учун ҳам биз сирдарёликлар шундай забардаст шоиримиз борлигидан, уни ҳар кун, кунора кўриш бахтига муяссар бўлганимиздан дилдан фахрланамиз.

Мен ўзим вақтли матбуотда Тўра аканинг бирор бир мақоласи, хоҳ у бирор фермер ёхуд деҳқонларнинг ишлари, долзарб муаммолари ҳақида бўлсин, хоҳ у бирор машҳур ёзувчига бугунги адабий жараён ҳақидаги очиқ хати бўлсин, ёки тинглаганнинг энсасини қотирувчи маза-матрасиз қўшиқлар муаллифлари-ю ижрочилари ва уларни эфирга таратаётган тарғиботчи ташкилотчилар ҳақида бўлсин, уч мартадан кам ўқимайман. Ҳар гал ўқиганимда журъат билан айтилган фикр, мулоҳазалари ўринли гапларга қойил қоламан. Унинг мақолаларида фақат киноя ва юмор эмас, кескинлик, жиддийлик ва тўғри хулосани бера билиш санъати бор.

Тўра аканинг "Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда" деган шеърини Ўзбекистонда ҳамма ёд билади. Ҳатто ўзбегимнинг оташнафас ҳофизлари Фахриддин Умаров ва Шерали Жўраевлар ҳам айнан шу шеърни қўшиқ қилишган.

Сочга бир-бир оқ тушмоқдадир,
Бундан кўнгил ёришмоқдадир.
Қор бўларми пастқам тоғларда,
Бошим кўкка туташмоқдадир,

деб ёзган шоир.

Шоир Тўра Сулаймон етмиш ёшга тўлди.

Бугунги ўзбек адабиётини яхлит ва улкан тоққа менгзасак, шаксиз шу тоғда Тўра Сулаймон ижоди ҳам бир чўнг чўққидан иборатдир.

Тўла Сулаймон ижоди Ўзбекистон гавҳари Бахмал тоғида ястанган Ойқортоғдай йилнинг ҳар фаслида, ҳар лаҳзада виқорли ва тароватлидир.

Анвар ТОҒАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда амалга оширадиган ишларингиз муваффақияти гарови сизнинг сабрли бўла олишингиз, тузилган режаларга содиқлигингиз бўлади.

СИГИР(22.0420.05)

Ишқ бобида, ижодий ишларда ва фарзандларингиз билан муносабатда катта ижобий ўзгаришлар юз беради. Ҳеч кутмаган кишингизнинг ҳайроҳоҳлиги сизга қўл келади.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Шу кунларда энг яхшиси, оилавий ташвишлар, рўзғор ичикчикирлари билан машғул бўлақолинг. Муҳим ишларни эса кейинроққа қолдиринг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Шу кунларда атрофингиз фақат керакли ва жуда кўнгилчан кишилар йиғилиши мумкин. Улар кўмаги билан анча муаммоларни ҳал қилишга эришасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Агар кўзлаган ниятларингизни дуч келган кишига гапиравермасангиз, яқин кунларда катта молиявий манфаат кўрасиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда сиздан теварак-атрофга ғайрат-шижоат, яхши кайфият ёғилмоқда. Ўз кучингизга бўлган ишонч туфайли кўп нарсага эришасиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Мерос, солиқлар, уй-жой суғуртаси билан боғлиқ ишларни бироз сирли тарзда амалга оширган маъқул. Шундай қилсангиз, ишларингиз илгари босади.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Янгиликка интилиш, янги режалар тузиш иштиёқида яшамоқдасиз. Бу ҳатто рўзғордаги тартибларга ҳам тегишли бўлади. Ғайратингизга балли.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Агар мансаб поғонасида юксалишни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйган бўлсангиз, шу кунларда бунинг айни вақти. Отга қамчи босиш вақти етди.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ишқий саргузаштлар, хориж сафари, кутилмаган тантаналар... Айни кунларда бу воқеаларнинг ҳаммаси сиз билан юз бериши мумкин. Омад сиз томонда.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Таваккалчиликка бўлган қизиқишингиз айни кунларда ҳар доимгидан ҳам кучли. Атрофдагилар бунгга чидаб берсалар бўлди.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Шу кунларда кейинги вақтда таранглашган муносабатларни изга солишга, молиявий ишларни муваффақиятли адо этишга эришасиз. Дам олишни унутманг.

Ҳажвия

«ЖАЙДАРИ» КОМПЬЮТЕР

Гузарлардан бири. Пештоқига «Маълумотнома бериш шохобчаси — хусусий» сўзлари ёзилган хоначада бир «тадбиркор» ўтирибди. Унинг олдида компьютерсифат кутича. Қутичанинг олди ойнаванд, тепасида тирқиши, бир томонида қўл билан айлантирадиган мурвати бор. Ўтувчилардан бири пештахтадаги ёзувга тикилиб тўхтади.

— Ассалому алайкум.
— Ва-алайкум ассалом.
— Маълумот бера оласизми?
— Бера оламиз.

— Ҳамдам Қувватовнинг манзилини сўрасам бўладими?

— Бўлади, фақат хизмат ҳақини тўлаб қўйинг.

— Хизмат ҳаққи қанча?

— Берадиган саволларингизга қараб айтадиган жавобимиз ҳам ҳар хил, яъни арзон жавоб, ўртача жавоб, қиммат жавоб ва энг қиммат жавоблар. Бизнинг хизматимиз қонуний, хоҳласангиз ҳужжатларни ҳам кўрсатаман.

— Ҳожати йўқ, энг арзон жавобингизнинг ҳаққи қанча?

— Эллик сўм.

— Марҳамат.

Мижоз эллик сўм узатди. «Тадбиркор» пулни олмай, қутича тирқишидан ташлашни буюрди. Мижоз у айтгандек қилди.

— Саволингизни беринг.

— Ҳамдам Қувватовнинг манзилини айтиб юборинг.

Қутичанинг орқасида китоб варақланди. «Тадбиркор» бир энлик қоғозни қутичанинг остидан киритиб юборди ва ёнбошдаги мурватни буради, ҳалиги бир энлик қоғоз олдинги ойнаванд томонга ўтди. Унда «Билмайман» деган ёзув кўринди.

— Марҳамат.

— Бу қанақаси бўлди, бунингиз билмайман, деяпди-ку? — деди капалаги учгансимон.

«Тадбиркор» эса бамайлихотир:

— Пулга яраша жавоб бўлди. Хизмат ҳаққини кўпайтиринг, ижобий жавоб ҳам оласиз, — деди.

— Қанча кўпайтиришим керак?

— Тартибга мувофиқ олдинги жавоб ҳаққидан икки баробар.

— Демак, юз сўм.

— Янглишмадингиз.

— Мана! — Мижоз юз сўмликни зарда аралаш «тадбиркор»га узатди. У эса яна пулга қўл урмасдан қутичага ташлашни буюрди.

— Саволингизни айтинг.

— Ҳамдам Қувватовнинг манзилини биласизми?

«Тадбиркор» бояги ҳаракатларини қайтарди, қутичада «Биламан» сўзи кўринди.

Мижоз ҳамон ҳайрон:

— Аниқроқ жавоб бўлмадику?
— Аниқроқ жавобимиз ҳам бор.
— Бўлса айтсинда, ахир.
— Ҳақини тўланг, айтади.
— Тўладим-ку?

— Қанақасига ахир, сиз ҳозиргача энг арзон ва ижобий жавоб учун ҳақ тўладингиз, аниқроқ жавобга тўлаганингиз йўқ.

Мижоз бир «тадбиркор»га, бир унинг қутичасига қараб чўнтагини кавлади, сўнг сўради:

— Аниқроқ жавобингизнинг ҳаққи қанча?

— Олдинги жавоб ҳаққидан икки баробар.

— Демак, икки юз сўм.

— Худди шундай.

Ноилож икки юз сўмни чиқариб узатган эди «тадбиркор» тағин пулга парво қилмасдан, уни қутичага ташлаттирди.

— Марҳамат, саволингизни айтинг.

— Қувватовнинг манзилини аниқроқ айтинг.

Бу сафар ойнаванддан «Бир кўча нарида» деган жавоб кўринди.

— Яна аниқ жавоб йўқ-ку?

— Биродар, сиз аниқроқ жавоб сўрадингиз. Аниқ жавоб сўраганингиз йўқ ахир.

— Аниқ жавоб ҳам берадими?

— Бўлмасам-чи, фақат сиз аниқ жавоб учун ҳақ тўланг. Ҳа, малол келадиган бўлса шу аниқроқ жавоб билан бориб, бир кўча наридан Қувватовнинг уйини суриштирасиз.

— Йўқ, мен аниқ жавоб олишим керак.

— Марҳамат, аниқ жавобимиз ҳам бор, фақат...

— Демак, тўрт юз.

— Ҳисобдон экансиз.

Мижоз бу сафар ўз саволини таҳдидли оҳангда айтди:

— Қувватовнинг манзилини аниқ айтиб бер!

Ойнаванда «Кўк дарвозали ҳовли» сўзлари кўринди.

— Мана кўк дарвозали уй экан.

— Уй номеричи?

— Уй номери рақамли жавобларда бўлади.

— Нима? Яна пулми?

— Дўстим, бу дунёда бепул хизмат қолмаган.

— Яна икки баробарми?

— Худди шундай, ўзингиз ҳам тушуниб қолдингиз шекилли.

Мижоз пул ташлар экан, қутичага қараб ўдағайлади:



— Қувватовнинг уй номерини аниқ айтасан.

Дастгоҳ ишга тушиб, ойнадан 13 рақами кўринди.

— Мана уй номери ҳам аниқ бўлди, истасангиз бу Қувватовнинг уйда бор-йўқлигини ҳам айтиб беради, фақат...

— Йўқ, яхшиси ўзим сўраб билганим маъқул.

— Унда саломат бўлсинлар.

Мижоз йўлига равона бўлгач, «тадбиркор» қутичани очиб пулларни олди-да чўнтагига солди, сўнг қутичани силаб болани эркалаётгандек ҳиргойи қилди:

— Бу бизнинг жайдари компьютеримиз... Даромаднинг конида бу...

Қилич НУРМУҲАМЕДОВ

Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги ижтимоий таъминот техникуми томонидан 1994 йил 1 февралда Мирзяев Ғолиб Убайдуллаевич номига берилган МТ 979461 (рўйхат рақами №57) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳри

ҚАДРИЯТНИ ҚАДРЛАЙДИ ХАЛҚИМИЗ

Яқинда Яккасарой тумани Конституция маҳалласида "Қадриятларимиз - бебаҳо бойлигимиз" мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси қошидаги "Қадрият" ҳамда жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими қошидаги "Қалб эътиқоди" давралари, Яккасарой тумани ҳокимлиги ва туман "Оила маркази" ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раисининг ўринбосари Г.Йўлдошева сўзга чиқиб, бугунги кунда миллий қадриятларимиз тикланиб бораётганлиги, бу эса маҳаллалар аҳли, умуман халқимиз орасида меҳр ва мурувват туйғуларини шакллантиришга сабаб бўлаётганини таъкидлади.

МУХБИРИМИЗ.

МЕҲР ВА МУРУВВАТГА ЙЎҒРИЛГАН САНЪАТ

Тошкент вилояти

Айни кунларда вилоятнинг барча туман ва шаҳар маданият ишлари бўлимлари томонидан Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб жойлардаги эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастурлари, театрлашган томошалари намойиш этилмоқда.

Жумладан, Ангрен, Чирчиқ, Бўка туманларида ташкил этилган бундай тадбирларда "Шош наволари" ашула ва рақс дастаси, "Зафар тароналари", "Заррин япроқлар" халқ ансамбли, "Қувонч" халқ болалар ансамбли ва рақс жамоаси, "Гулёр" халқ фолклор жамоалари ўз дастурлари билан болажонлар кўнглини хушнуд этмоқдалар.

* * *

Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳридаги "Никоҳ" саройида Меҳрибонлик уйи битирувчилари учун "Меҳр истаб-мурувват кутиб" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Шаҳар адлия бошқармаси, маданият бўлими, "Никоҳ" саройи ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган бу тадбирда Меҳрибонлик уйи битирувчилари учун мусиқий дастур намойиш этилди. Шунингдек, шаҳар "Камолот" ёшлар ҳаракати ҳамда бошқа бир қатор ҳомий ташкилотлар томонидан битирувчиларга совғалар топширилди.

* * *

Жиззах вилояти

Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб вилоят фолклор жамоалари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов якунданди.

Унда ўзларининг фолклор ижро ва раислари билан қатнашган жамоалар орасида ғолиблар аниқланди. Танлов натижаларига кўра, вилоятнинг Зомин тумани "Замин сайқали" фолклор жамоаси 1-ўрин, Ғаллаорол тумани "Гаштак" фолклор жамоаси 2-ўрин, Жиззах тумани "Зебомхон" фольклор жамоаси 3-ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, биринчиликни қўлга киритган "Замин сайқали" жамоаси Республика "Наврўз" байрами дастурида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Мухтасархон КАРИМОВА

КРОССВОРД



БЎЙИГА: 1.Дур. 2.Кўмак. 4.Сотув пештахтаси. 5.Марҳум инсонлар исми олдидан қўшиб айтиладиган сўз. 6.Чолғу асбоби. 8.Нон ёпувчи. 9.Қадимда майда буюмлар билан савдо қилувчи касб эгаси. 12.Бол йиғувчи ҳашорат. 13.Амалга ошмайдиган, бўлиши мумкин бўлмаган. 14.Уруғ-... . 15.Муаллиф (рус тилида). 18.Кулгу, жилмайиш. 19. Сўз, калом. 20.Бирор бир нашрни маълум муддат олиш учун пул тўлаш жараёни. 21.Дарахт гулининг дастлабки ҳолати. 22.Ибодат қилувчи, Дин йўлида ҳаётини бахшида этган инсон. 26.Қадим Арабистондаги давлат. 27. Элчи, хабар етказувчи.

ЭНИГА: 1.Турон заминидаги қадимий давлат. 3.Ёғоч устаси. 6.Бошлиқ, бошқарувчи. 7.Хамирли таомларни пишириш учун мўлжалланган идиш. 10.Суюқ таом номи. 11.Дурадгорлик асбоби. 13.Чўп идиш. 14.Ҳамкорлик. 16.Олим, аллома. 17.Теварак. 23.Чанг, гард. 24.Офарин, тасанно. 25.Олис, узоқ. 26.Кийимсиз. 28.«Нодира» таxаллуси билан ижод қилган ўзбек шоирасининг эри, шоҳ ва шоир. 29.Бирор чуқурлик, пастлик устидан ўтиш учун қурилган мослама. 30.Севги, ишқ. 31.Чорвачилик билан шуғулланувчи киши.

Тузувчи: Шоҳруҳ БЎТАЕВ, талаба.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъналберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Фаррух БЎТАЕВ

Саҳифаловчи: Фаррух РАСУЛОВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

8730 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-327 Топширилди—21.00